



HUDUDGAZTA' MINOT

AKSIYADORLIK JAMIYATI

**ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ**

№ 06-20/029

Навоний 2022 йил

Табий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш

ШАРТНОМАСИ

2022 йил "10" Анвар оёғидан

Навий ш.

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи

Навоий ГЭС Ми

(Истеъмолчи номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари А. Якубов бир томондан ҳамда Ўзлом ва 2022 йил "5" январда берилган 03-19-05/35-сонли ишоннома асосида фаолият юритувчи "Худудгазтаъминот" АЖ "Худудгаз **Навий**" газтаъминоти филиали (кейинги ўринларда "Етказиб бериучи" деб аталади), раҳбари в.в.б Н.С.Гаффаров иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мажбур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб бериучи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатига амалга оширади.

1.2. Етказиб бериучи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицирланган мувофиқ, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб бериучига тасдиқланган меъёрларга (Табий газдан фойдаланиш қондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади. Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қалар келгуси йилда қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 32000 куб.м, нархи _____ минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлار бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	<u>37000</u> минг куб.м,	январ	<u>6000</u>	февраль	<u>16000</u>	Март	<u>15000</u>
II чорак	<u>50000</u> минг куб.м,	апрель	<u>4000</u>	май	<u>3000</u>	июнь	<u>3000</u>
III чорак	<u>30000</u> минг куб.м,	июль	_____	август	_____	сентябрь	<u>3000</u>
IV чорак	<u>40000</u> минг куб.м,	октябрь	<u>11000</u>	ноябрь	<u>15000</u>	декабрь	<u>16000</u>

Етказиб бериучи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қароридан кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлار бўйича қуйидагича тақсим қилади:

I чорак	_____ минг куб.м,	январь	_____	февраль	_____	март	_____
II чорак	_____ минг куб.м,	апрель	_____	май	_____	июнь	_____
III чорак	_____ минг куб.м,	июль	_____	август	_____	сентябрь	_____
IV чорак	_____ минг куб.м,	октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб бериучи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб бериучи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навабдаги ой (чорак) учун

кўрсатилган табиий газ хажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ миклдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб, олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартirilishiга қалар қаидада 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қурулларига юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартiriladi ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва таксимловчи газ қурулларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчини оголдатилган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида таскор маълумотларини мунгазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ таксимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишига техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуқсиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газни/шлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмастан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миклдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланган ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланishi ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миклдори стандарт шариотда 1 м³ газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шариотда, азот ва карбонат ангидриди) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миклдори "Ўзстандарт" агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий хужжатлари талабларига мувофиқ газ миклдорини стандарт шариотта автоматик равишда келтирилган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулки ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлаштириш амалдаги қондалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлаштириш давомида O'z DSI 8.030-2008 "Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйилдиган умумий таъаблар", O'z DSI 8.031-2008 "Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлаштириш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қиёсов кўригидан ўтказилган сертификат ва ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг қиёсов кўриклдан ва ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёсов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) "Ўзстандарт" агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёсловаш кўриги/калибровка, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатилган ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатилган ва/ёки ўлчов чиқарувчининг талабларига ва амалдаги метрлар ва кондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси қақиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ хажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилади. Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг түтри ишлашнинг кузатиш ҳуқуқига эга Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришни таъминлайди.

3.16. O'z DSI 8.586 (1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида тайригайиб ҳолатлар юзга келган тақдирда O'z DSI 8.064:2017 бўйича газнинг микрори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурчмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашин ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охири хатловдан ўтказиб далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартрилганда – охири хатловдан ўтказиб далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёсловаш кўригидан ўтказиб берувчи ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини киёсловаш кўригидан ўтказиб берувчи ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати туугаганда – киёсловаш

кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати туугаган кундан киёсловаш кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охири кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қуйилганда – охири кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга.

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режими бузилган газ қурулғида ёки ГТЛларда асбоб-ускуналар ўрнатилганда – охири кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда таъсир таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – таъсир таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бирок даъво муддатидан ортқ бўлмаган муддатга.

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда, (Ҳисоб-китоб учун ПТХНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ хажмлари түгирисидagi маълумотлар ПТХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли хажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортқча бўлганда, шомбаламанган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охири хатловдан ўтказиб далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб қурилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмадан истеъмолчи томонидан кўшимча газ қурилмаси ўрнатилган ҳолати аниқланганда (кўшимча газ аниқларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослангирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ хажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ хажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг метр-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ хажмининг ишончилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи “Ўзстандарт” агентлиги бўлиналарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказилган учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққандаёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқши ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлаб чиқарган асбоб-ускуналарини ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиغان газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланиши таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларидан газ сизиб чиқши ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга амалга оширилади. (O'z DSI 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари терметрик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШИ

4.1. Истемолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигитомонидан амалдаги конунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истемолчи хисоб-китоб килиш даври бошланишдан камда 5 кун олдин Етказиб берувчининг хисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ хажми кийматиинг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Хисоб-китоб даври бошланишдан камда 5 кун олдин хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан хак тўлаш асосида амалга ошириш хохишини билдирган истемолчилар хисоб-китоб амалга оширилмаган даврини кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан хак тўлаш асосида хисоб-китоб килиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат килишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истемолчилар хисоб-китоб даври бошланишдан камда 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг хисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ хажми киймати суммасининг 50 фоизи миклориди олдиндан хак тўлашлари шарт. Амалда истемол килинган табиий газ хажми учун якуний хисоб-китоб хисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истемолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб беришмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истемолчига газ етказиб беришмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятта эга истемолчилар бундан мустасно).

4.6. Истемолчи хар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истемол килинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истемолчилар хисоб-китоб килиш оий тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга оширилади.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истемолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан хажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда хисобга олинади.

4.9. Истемолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп хажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истемолчидан шартномадаги хажмлардан ортикча олинган табиий газ кийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда хисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлагини мониторинг килиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истемолчига алоқаланган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қисқа тугашув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истемол килинган табиий газ хажмини ўрнатилган газ асобиб ускуналарини тўлик қуввати бўйича хисоб-китоб килиниши натижасида шартномадаги хажмлардан ортик хажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истемолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари Истемолчинини хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вақтида тўланмаганда, Истемолчи муддати ўтган хар бир кун учун мудлати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миклориди, лекин мудлати ўтган тўлов суммасининг 50фоизидан ошмайдиган миклорда пеня тўлайди.

4.12. Хисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ хажми Етказиб берувчи вақиллари томонидан табиий газ истемолчини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларини эъиб олиш (ПТХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни, истемол килишни хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган метрлар бўйича хисоб-китоб киладиган истемолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик эъиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизмига киритиш, шунингдек, истемолчилар томонидан табиий газ истемолчини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолдакириштиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб оий учун газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномасига асосан истемолчига электрон хисобаварақ-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи Истемолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун хисобот даврида газни етказиб бериш-қабул килиш далолатномаси Истемолчида куйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истемолчига тақдим этиладиган, Истемолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ПТҚлардаги технологик йўқотишларнинг хажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истемолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ПТҚдаги технологик йўқотишлар Истемолчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истемолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмадан Етказиб берувчидан хисоб-китоб оий учун газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини қабул килиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномасига асосан электрон хисобаварақ-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул килиш далолатномасини имзоламаслик эки уни эътирозлар билан имзолаш Истемолчинини кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган эки қабул қилинган газ миклорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб килиш оий тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўрида маълум килиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вақилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро хал этиш имконияти бўлмаганда, келишимчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истемолчидан лебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истемол қилинган газ хажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир сутқада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истемол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда қучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истемолчи табиий газнинг аванс тарихасида тўланган хажми учун тўлов қунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ХУКУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18-бандда кўрсатиб ўтилган хукуқбузарликларга йўл қўйилши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси бидан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандга асосан расмийлаштирилган далолатномата мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ хажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандда кўрсатилган ҳолатларда газ хажми кийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида куйдаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилунига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда,
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурилмаларининга назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда,
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижада қарздорлик мавжуд бўлганда,
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдидан тўловлар амалга оширилмаганда,
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтегазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда,

- ҳисоблаш приборларига касдан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш максалида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;
- Газдан фойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний улааниш ёки бошқа қондабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганлиги;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижада етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармоққа қайта улаанишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш микродоринингун баравари миқдорда ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1-бандда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ПТХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз улаанишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини қамида уч йил мобайнида ўзида сақлаишини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилунига қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талоф-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қўлиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчида газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунида назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овокат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида,

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка мuddат ичида алмаштириш;

- Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчидидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз улааниш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни қўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни оғохлантирмастан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондабузарликлар бартараф этилунига қадар аввалдан оғохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш;
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ хўжалиги газ қуурларни ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда,
 д) мажбуриятнинг 2.5- ва 6.1 бандларида кўрсатилган ҳолларда,
 8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари миқдориди жарима қўлланади.
 8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юртурувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно.
 а) форс-мажор ҳолатлар;
 б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;
 в) киши даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган қорхоналардан ташқари);
 г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига мuddати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдориди, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган мuddатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи мuddати ўтган ҳар бир кун учун мuddати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, бироқ мuddати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни талбик этилишини ифodalалайди ва қафолатлайди.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мажбурият шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш мuddати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзга келган тақдирда томонлар қондага кўра, уларни судга ҳал этиш қораларини қўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар қойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб қилиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифициқланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймайлик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтгазспекция" ҳодимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини қўнинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришни таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартриш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг касдан бузилишига йўл қўймайлик ва ўриятилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қудай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТТХНАТ-АСКУГ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатилиши.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатиладан, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5 ва 6.1 бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.
 Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

- Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
- фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

- а) табиий офатлар;
 б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ казичиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзга келганда, шунингдек энгиб бўлмаг кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, хусусан, сел, ёғир, сув тошқини, ёнгин чикши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлади.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзга келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаен ердамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортик кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабрда бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили 2022 йил 31 декабр санасига амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОНДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги "Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги №6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қалар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхаёхам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"	"ИСТЕЪМОЛЧИ"
"Худудатаъминот" АЖ "Худудгаз Навоий" газ таъминоти филиали	Навоий ИСММ (Бюджет ташкилотлари, ҳужалик юритувчи субъектлар номи)
Манзил: Навоий ш. М.Таробий кўчаси	Почта манзил: <u>Навоий 20</u>
Тел./факс: <u>78-770-24-75</u>	ОКПО коди: <u>16370682</u>
х/р _____	Мулкот у-н телефони: <u>5237941</u>
Банк номи: «Ўзсаноатқурулишбанк» Рақат филиали	Газ/Х: <u>234020030000000000</u>
МФО: <u>00435</u>	Банк номи: <u>Мажбурий И</u>
ИНН: <u>306605769</u>	МФО: <u>00014</u>
ОКЭД: <u>35220</u>	ИНН: <u>202588003</u>
Х/Р _____	ш/х: <u>16001860123870013000300000</u>
	х/р _____
	(газиччилик бўлими номи)
	Рақбар: <u>Муродов Араб</u> (Ф.И.Ш.)
	Имзоси: _____
	Мухр ўрни _____

Юридик маслаҳатчи хулосаси: **ХУЛОСА**

Ушбу икки томонлама муносабатлар Ўзбекистон Республикаси ФКнинг "Ҳужалик юритувчи субъектлари федеративнинг шартномавий-ҳуқуқий база тўғрисида"ги қонун талаблари билан тартибга солинган. Томонларнинг шартнома шартлари Мажбуриятлари ва жавобгарликлари юқорида айд этилган қонун талабларига риоя этилган ҳолда тузилган.

(Ф.И.Ш.) _____

202__ йил «__» __ даги
__-сон шартномага

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари
руйхати

Фойдаланиш тури: Макгад

Катастр №														
-----------	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Табий газ тарифи 660 сум 00 тийин

Г/р	Корхона, участка, цех номи	Агрегатлар номи	соми	Лоқихага газ сарфи, м.куб/соат	Г/ли ҳисобга олиш приборларининг турлари
	Навоий АТБ	1	1	2,7	Принг-40
	225558 ПГ-4Х	1	1	7,72	

Келишилган:

Раҳбар (Ф.И.Ш.) Ижрочи
 Раҳбар (Ф.И.Ш.) Ижрочи
 Имзоси Ижрочи
 Имзоси Ижрочи